

**Ўзбекистон Республикаси номидан**  
**Ҳ У К М**

2025 йил сентябрь ойининг 18 кuni жиноят ишлари бўйича Избоскан туман суди, ўз бинотида, очиқ суд мажлисида, раислик этувчи туман судининг раиси А.Назирбеков, судья ёрдамчиси А.Боқиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Избоскан туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Бобомирзаев, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Избоскан тумани “ADVOKAT 7744” адвокатлик бюроси адвокати Д.Холматовларнинг иштирокида, [REDACTED] га нисбатан юритилган №1-1708-2501/139-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] -  
[REDACTED] кuni Избоскан туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, оилали 1 нафар фарзанди бор, ҳарбий хизматга мажбур эмас, [REDACTED] 56-хонадонда яшайди, иш бўйича 2025 йил 10 июнь кuni “Муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 24 июль кuni олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддасининг 3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларни кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И :**

[REDACTED], Туркия давлатидан депорт қилиниб, Ўзбекистон Республикасига қайтиб келганидан сўнг, Туркия давлатига қайта кириш мақсадида, дастлабки тергов даврида аниқлашни имкони бўлмаган унга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс билан жинойий тил бириктириб, ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда эгаллаб олинган Қирғизистон Республикаси фуқаросининг паспортига ўзгартириш киритиш орқали қалбакилаштириб, чет элга



чиқиш ва келгусида қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикаси кириш тўғрисида жиноий режа тузган.

Шундан сўнг, у ўзининг жиноий режасини амалга ошириш мақсадида, 2021 йилнинг декабрь ойида жиноий шериги, тергов даврида аниқлашни имкони бўлмаган унга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс билан “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқали танишиб, у билан Туркия давлатига қайта кириб олиши учун қалбаки паспорт тайёрлаш бўйича келишиб, келишувга кўра, жиноий шериги унга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахсга қалбаки паспорт тайёрлаб бериши учун “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқали ўзининг 3X4 ўлчамдаги фотосуратини жўнатган, унга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс эса [REDACTED] нинг ушбу фотосуратини қабул қилиб олиб, унинг номига қалбаки Қирғизистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш паспортини тайёрлаб бериши мақсадида Қирғизистон Республикаси фуқароси номига расмийлаштирилган АС758017 серия рақамли паспортини ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда эгаллаб олинганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2021 йилнинг декабрь ойида жиноий шериги, тергов даврида аниқлашни имкони бўлмаган унга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс билан “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқали танишиб, у билан Туркия давлатига қайта кириб олиши учун қалбаки паспорт тайёрлаш бўйича келишиб, келишувга кўра, жиноий шериги “Элёр” исмли шахсга қалбаки паспорт тайёрлаб бериши учун “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқали ўзининг 3X4 ўлчамдаги фотосуратини жўнатган. унга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс эса [REDACTED] нинг ушбу фотосуратини қабул қилиб олиб, унинг номига қалбаки Қирғизистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш паспортини тайёрлаб бериши мақсадида, ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда эгаллаб олинган АС758017 серия рақамли Қирғизистон Республикаси фуқароси биометрик паспортининг 31-саҳифасидаги олдинги анкета маълумотларини 09.12.1981 йилда туғилган [REDACTED] номига ўзгартириш орқали паспортни қалбакилаштирганлиги аниқланган.

Анджон вилояти ИИБ ЭКМнинг 28.05.2025 йилдаги №498-сонли хулосасида, [REDACTED] нинг номига расмийлаштирилган АС758017 серия рақамли Қирғизистон Республикасининг биометрик паспортининг 31-саҳифасида илгари мавжуд бўлган ёзувлар, белгилар ва тасвирлар ўчирилиб, ўрнига ҳозирда мавжуд бўлган ёзувлар, белгилар ва тасвирлар ранг сочувчи рангли принтерда чоп этилиб тайёрланганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2025 йилнинг 14 апрель куни НУ-274-сонли авиарейс билан “Истанбул-Тошкент” йўналиши бўйича “Ислом Каримов” номидаги Тошкент халқаро аэропортига келиб, чегара текширувидан ўтаётган



вақтида жиноий шериги унга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс билан қалбакилаштирган АС758017 серия рақамли Қирғизистон Республикаси биометрик паспортини қалбаки эканлигини била туриб, ушбу ҳужжатдан фойдаланиб, давлат чегарасидан ўтиш пунктида хизмат олиб бораётган чегара хизмати ходимларига тақдим қилган.

Бундан ташқари, [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 11.02.2022 йил куни белгиланган тартибда, ўзига тегишли FA4571541 серия рақамли хорижга чиқиш паспорти билан Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиб, белгиланган тартибда Туркия давлатига борган.

Сўнг, 2025 йилнинг 14 апрель куни соат 06-00 да НУ-274-сонли авирейс билан “Истанбул-Тошкент” йўналиши бўйича “Ислом Каримов” номидаги Тошкент халқаро аэропортига учиб келиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қалбаки ҳужжат билан қонунга хилоф равишда чегара ўтказиш пунктлари орқали киришни режалаштириб, бу ерда хизмат олиб бораётган чегара хизмати ходимларига жиноий шериги унга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс билан жиноий тил бириктириш орқали тайёрланган АС758017 серия рақамли Қирғизистон Республикаси биометрик паспортини тақдим қилиб, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кираётган вақтида, чегара назорати ходимлари томонидан [REDACTED] номига расмийлаштирилган АС758017 серия рақамли Қирғизистон Республикаси биометрик паспорти ушбу шахсга тегишли эмаслиги, ушбу шахс асида 15.04.1980 йилда туғилган [REDACTED] эканлиги аниқланиб, АС758017 серия рақамли қалбаки паспорт баённома орқали ҳужжатлаштириб олинган.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддасида “Давлат чегарасини Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидан бошқа жойдан ёки ўтказиш пунктлари орқали бўлса-да, лекин чегарани кесиб ўтиш қоидаларини бузган ҳолда ҳар қандай усул билан кесиб ўтган ёки кесиб ўтишга ҳаракат қилаётган шахслар; чет элга кетаётган транспорт воситаларига Ўзбекистон Республикасидан ноқонуний равишда чиқиб кетиш мақсадида чиқиб олган ёки чиқиб олишга уринаётган шахслар; Ўзбекистон Республикаси ички сувларига, шунингдек чегара бўйи дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзалари сув қисмига уларга кириш юзасидан белгиланган қоидаларни бузган ҳолда кирган чет эл ноҳарбий кемалари ва ҳарбий кемалари; Давлат чегарасини тегишли давлат органларининг рухсатсиз кесиб ўтган ёки Давлат чегараси орқали учиб ўтиш қоидаларини бошқа тарзда бузган ҳаво кемалари ва бошқа хил учуш аппаратлари; Давлат чегарасини тегишли рухсати бўлмайд туриб ёки белгиланган тартибни бузган ҳолда



ҳар қандай техникавий ёки бошқа хил воситалар билан кесиб ўтиш Давлат чегарасини бузувчилар” деб ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд пленумининг 2011 йил 25 ноябрь кунидаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги” қарорининг 3-бандида “Жиноят кодекси 223-моддасининг биринчи қисми диспозициясига кўра, мазкур жиноят қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш ёки қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтишда ифодаланган бир ёки бир неча ҳаракатлар кўринишида содир этилиши мумкин.

Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш деганда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг белгиланган ўтказиш пунктлари орқали (Қонуннинг 12-моддаси), бироқ белгиланган ҳужжатларсиз ёки Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган тегишли рухсатномасиз кесиб ўтилиши тушунилиши лозим”-деб кўрсатиб ўтилган.

4-бандида: Ўзбекистон Республикасига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун хорижга чиқиш биометрик паспорти (дипломатик паспорт, идентификация электрон картаси ID-карта), вақтинча хорижда турган ва консуллик рўйхатига олинмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун хорижга чиқиш биометрик паспорти йўқолган, яроқсиз ҳолга келган, унинг амал қилиш муддати тугаган, маълумотлар ёки визалар учун мўлжалланган саҳифаларидан фойдаланиб бўлинган ҳолатларда, шунингдек, суд ажрими билан унинг амал қилиши тўхтатиб турилганда янги хорижга чиқиш биометрик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун гувоҳномаси;

хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун — амалдаги миллий паспорт (дипломатик паспорт), шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, Ўзбекистон Республикасига кириш учун (кириш, транзит) виза ва хорижий фуқаролар кириш-чиқиш Тартиби II бўлимида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар кириши кўрсатиб ўтилган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, у 2016 йилда биринчи марта ишлаб пул топиш мақсадида Тошкент шаҳридан аэропорт орқали Туркия Республикасига боргани, Туркия Республикасининг Истанбул шаҳрида яшаб, туркиялик оилаларда энагалик билан шуғуллангани, шундан бери, Туркия Республикасига ишлаш мақсадида бир неча марта бориб-келиб юргани, у Туркия давлатида ишлаб юрган вақтида, ишлаш ва яшаш учун тегишли рухсатнома расмийлаштира олмаганлиги сабабли, бир қанча вақт ҳужжатсиз ишлаб юргани, 2021 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун Истанбул шаҳри аэропортига келган



вақтида, Туркия давлати миграция ходимлари томонидан Туркияда ноқонуний юрганлиги аниқланиб, уни “Депорт” қилишиб, яъни унга ушбу мамлакатга киришга чеклов ўрнатишиб, Ўзбекистон Республикасига жўнатиб юборишгани, у 17.11.2021 йил куни Ўзбекистон Республикасига қайтиб келганидан сўнг, орадан 1 ойлар ўтиб, декабрь ойида яна Туркия Республикасига бориш мақсадида депортини ечтиришга ҳаракат қилишни бошлагани, шу мақсадда, Туркия давлатида танишиб қолган “Элёр” исмли шахсга депортини ечтиришда ёрдам сўраб мурожаат қилгани, Туркия давлатида юрган вақтида “Элёр” исмли шахсни Андижон вилоятидан эканлигини, депорт ечиш ва виза ҳужжатлари тайёрлаш билан шуғулланувчи фирмаси борлигини эшитган экани, шу вақтда, “Элёр” исмли шахс ҳам Андижон вилоятига келганлиги сабабли у билан Андижон шаҳрида кўришиб гаплашгани, у унга депортини ечтириб, виза ҳужжатлар тайёрлаш учун 700 АҚШ доллари ва паспортини беришини айтгани, шунда унга, фуқаролик паспорти ва 700 АҚШ доллари пулларни бергани, орадан 1 ой вақт ўтса ҳам, депортини бекор қилишни имкони бўлмагани ва натижада Туркияга виза ҳужжатлари чиқмагани, шунда “Элёр” исмли шахс унга депортини бекор қилишни имкони бўлмаганлигини, лекин унга қалбаки паспорт қилиб бериши мумкинлигини, қалбаки паспорт билан Туркияга бемалол кира олишини, қалбаки паспорт учун 1.500 АҚШ доллари беришини, 700 АҚШ доллари депорт ечтириш учун бериб бўлганлиги сабабли яна 800 АҚШ доллари бериши кераклигини айтгани, у моддий томонидан ночор ахволдалиги ва қарзлари кўплиги сабабли, ҳар қандай йўл билан кетишга тайёр бўлганлиги учун уни таклифига рози бўлгани, фақат унга 800 АҚШ доллари пули йўқлигини, бу пулни Туркияга борганидан сўнг, ишлаб топиб беришини айтгани, сўнг, унга 3x4 ҳажмдаги фотосуратини бериб юборгани, орадан 3 кун ўтганидан сўнг, яъни 2022 йил 10 февраль куни “Элёр” исмли шахс телефон қилиб, қалбаки паспорт тайёр бўлганлигини, Андижон шаҳар Шолдирама кўчасида кўришишларини айтгани, сўнг, у билан Андижон шаҳар Шолдирама кўчасида кўришгани, у унга уни номига расмийлаштирилган АС758017 серия рақамли Қирғизистон Республикаси фуқаролик паспортини ва ўзини паспортини бергани, “Элёр” исмли шахс унга Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетаётган вақтида ўзимни ҳақиқий паспортдан фойдаланишини, Туркия давлатига кираётган вақтида у берган қалбаки АС758017 серия рақамли Қирғизистон Республикаси фуқаролик паспортини кўрсатишини айтгани, шундан сўнг, эртаси куни Фарғона шаҳри Аэропорти орқали ўзига тегишли FA4571541 серия рақамли хорижга чиқиш паспорти орқали Туркияга учиб, Туркияга етганидан сўнг қалбаки АС758017 серия рақамли Қирғизистон Республикаси фуқаролик паспортини тақдим қилиб, бу давлатга кириб олгани, Туркия давлатида бир неча ой ишлаб, шу ерда “Элёр” исмли шахс билан кўришиб, унга 800 АҚШ доллари пулларни бергани, шундан сўнг, Туркия давлатида 3 йил давомида ишлаб



юриб, Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун 14.04..2024 йил куни АС758017 серия рақамли Қирғизистон Республикаси фуқаролик паспортини тақдим қилиб Туркиядан чиққани, сўнг, самолётда “Истанбул-Тошкент” йўналишидаги авиарейс билан Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳрида жойлашган аэропортга қўнганидан сўнг, аэропорт чегара назоратидан ўтаётган вақтида, чегара назорати ходимларига қалбаки АС758017 серия рақамли Қирғизистон Республикаси фуқаролик паспортини тақдим қилгани, улар томонидан паспорти текшириб кўрилиб, ҳақиқийлиги шубха туғдирганлиги сабабли у билан суҳбатлашишган вақтида уларга АС758017 серия рақамли Қирғизистон Республикаси фуқаролик паспорти унга тегишли эмаслигини, қалбакилигини айтиб, ўзига тегишли FA4571541 серия рақамли хорижга чиқиш паспортини тақдим қилгани, шундан сўнг, аэропорт чегара назорати ходимлари томонидан FA4571541 серия рақамли хорижга чиқиш паспорти ва АС758017 серия рақамли Қирғизистон Республикаси фуқаролик паспортини олиб кўйишиб, унга нисбатан ҳужжатлар расмийлаштиришгани, унга АС758017 серия рақамли Қирғизистон Республикаси фуқаролик паспортини тайёрлаб берган “Элёр” исмли шахсни кимлигини билмаслигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ И.Мирзаев суд мажлисида, у 2025 йил 01 июнь куни ўз ишлари билан Андижон вилояти ТХТБ маъмурий биносини олдидадан ўтаётган вақтида, ИИБ ходимлари ундан бир ишда холис сифатида иштирок этишини илтимос қилишгани, уларни таклифига рози бўлиб, ИИБ биносига киргани, у ерда ундан ташқари яна бир шахс холис сифатида иштирок этаётган экани, шундан сўнг, терговчини хизмат хонасига кирганларидан сўнг, терговчи уларга паспортларни кўздан кечириш тергов ҳаракатига холис сифатида иштирок этишларини тушунтириб, уларга ЖПКнинг 74-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ-мажбуриятларини тушунтириб ўтгани, сўнг, АС758017 серия рақамли паспортини кўздан кечирилганида, кўздан кечирилаётган ҳужжат кўк рангли муқовали Қирғизистон Республикаси фуқаролик паспорти эканлиги, ушбу паспорт [REDACTED] исмли шахс номига расмийлаштирилгани, ушбу паспорт орқали бир неча бор хорижга чиқиб келганлиги ҳақида муҳрлаш борлиги, бундан ташқари, FA4571541 серия рақамли паспорт кўздан кечирилгани, ҳужжат қизил рангли муқовали Ўзбекистон Республикаси хорижга чиқиш паспорти экани, ушбу паспорт ҳам [REDACTED] ни номига берилганлиги, ушбу паспорт орқали ҳам бир неча бор хорижга чиқиб келганлиги ҳақида муҳрлаш борлиги аниқлангани, ушбу ҳолатлар юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилгани ҳақида кўрсатув берди.

Суд тарафларнинг фикрини, судланувчининг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, [REDACTED] нинг мазкур жиноятни содир қилганликдаги айби, унинг ўз айбига тўлиқ



икрор ва қилмишидан пушаймон бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, жиноят ишидаги алоқа хатлари, билдирги, маъмурий тартибда ушлаб туриш баённомаси, паспортларни кўздан кечириш баённомаси, судга оид ҳужжатларнинг техник криминалистик, суд-портрет экспертизаси хулосалари, ашёвий далил деб топиш қарори, сўроқ баённомалари, шунингдек тергов жараёнида тўпланган ва жиноят ишида мавжуд бошқа далиллар мажмуи билан исботланган, деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 4-бандида иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги; 5-бандида судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилиши, судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги;

16-бандида ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги, шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 23-моддасининг 3-қисмида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган.



Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи ██████████нинг жиноий ҳаракатлари бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, белгиланган тартибни бузиб чет элга чиққанликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддаси 2-қисми “б” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 2-қисмининг “б” бандида бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш жиноятини содир қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ваҳоланки, дастлабки тергов органи томонидан ██████████ белгиланган тартибни бузиб Ўзбекистон Республикасига кириш учун айнан ким(лар) билан олдиндан тил бириктириб, гуруҳ бўлганликлари ёки ким(лар) билан белгиланган тартибни бузиб Ўзбекистон Республикасига кирганлиги аниқланмаган ва бу ҳолат суд жараёнида ҳам аниқланмади.

Шу сабабли суд, судланувчи ██████████нинг белгиланган тартибни бузиб Ўзбекистон Республикасига кирганликда ифодаланган жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддаси 2-қисми “б” бандидан, шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи ██████████нинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддасининг 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Олий Суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандида судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.



Суд, судланувчи [REDACTED] га нисбатан жазо тайинлашда, уни айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йил кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли Қарорининг 1-бандидаги жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилиниши, ҳамда 3-бандидаги жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 64-моддаси 1-қисмининг “а” бандида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – икки йил ўтган бўлса шахс жавобгарликдан озод қилиниши, жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача ҳисобланиши белгилангани, судланувчи [REDACTED] томонидан содир этилган Ўзбекистон Республикаси 227-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жинояти учун ҳукм чиқарилган кунга қадар икки йилдан ортиқ муддат ўтгани, бу ҳолатда уни ушбу модда билан жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 463-моддасининг 3-қисмининг 2-банди тартибида жазодан озод қилишни, уни айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, аёл кишилигини эътиборга олиб, унга нисбатан ЖК 223-моддасининг 1-қисми билан ушбу модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ушбу модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан ушбу модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, шунингдек зиммасига [REDACTED] [REDACTED] 56-хонадони ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашни, унингдек, келгусида унинг бошқа қонунга зид ҳаракатлар содир этишини олдини олиш мақсадида назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик ҳақидаги қўшимча тақиқлар юклашни;

шунингдек, ашёвий далил деб эътироф этилиб жиноят ишига илова қилинган АС758017 серия рақамли Қирғизистон Республикаси паспорти



ва FA4571541 серия рақамли хорижга чиқиш паспортини тегишли тартибда йўқ қилишни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

\_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_ ) Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисми, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддасининг 3-қисми билан айбли деб топилсин.

\_\_\_\_\_ Ўзбекистон Республикаси ЖК 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан ЖПК 463-моддаси 3-қисмининг 2-бандига асосан жазодан озод қилинсин.

\_\_\_\_\_ га Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисми билан 3 (уч) йил муддатга ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин, ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин, ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан тайинланган жазоларни ўзаро қисман қўшиш йўли билан \_\_\_\_\_ га узил-кесил ўташ учун 3 (уч) йил 1 (бир) ой муддатга ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

\_\_\_\_\_ жазони яшаш жойи ҳисобланган \_\_\_\_\_ 56-хонадонда ўташи белгилансин.

\_\_\_\_\_ зиммасига қуйидаги қўшимча чекловлар ва тақиқлар юклатилсин.

-Маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирилмаслик,

-Андижон вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик мажбурияти юклатилсин.

\_\_\_\_\_ ни озодликни чеклаш жазосини, қўшимча чекловлари ва тақиқларини назорат қилиш ҳамда ижро этиш Андижон шаҳар ИИО ФМБ Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин.

Тайинланган жазо муддати \_\_\_\_\_ Андижон шаҳар ИИО ФМБ Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.



█ га нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб жиноят ишига илова қилинган АС758017 серия рақамли Қирғизистон Республикаси паспорти ва FA4571541 серия рақамли хорижга чиқиш паспорти тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланган эса унга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судига апелляция тартибида, бу муддат ўтганидан сўнг кассация тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

**имзо**

**А.Назирбеков**

**Ҳукм нусхаси аслига тўғри,  
Туман судининг раиси**

**А.Назирбеков**

